ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Р.ШАМСУТДИНОВ, Э.ХОЛМИРЗАЕВ, И.АБДУЛЛАЕВ

В статье на основе документов, хранящихся под грифом «совершенно секретно» в Московских архивах, впервые приводятся имена видных работников Узбекистана, приговоренных к высшей мере наказания - расстрелу и длительному сроку заключения выездной сессией Военной Коллегии Верховного суда СССР в октябре 1938 года в городе Ташкенте.

On the basis of the archive materials kept in the Moscow archives under the seal " With great secrecy" the author tries to provide precious materials depicting the names of the representatives of the Uzbek authorities sentenced to death penalties and long term exiles in the prisons by the decision of the High Militaey Commisionary of the Supreme court of the USSR in October 1938, in Tashkent.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи раҳбари бўлиб сайланган Ислом Каримов ҳали мустақиллик қўлга киритилмаган 1990 йил 4 июндаги маърузасида шундай деган эди: “Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар бўлсин - “оқ доғ”ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз” [1.166].

Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ собиқ советлар даврида Ўзбекистонда сира айби бўлмаган, ҳалол одамлар кўплаб қамоққа олингани ва қириб ташланганини ачиниш билан айтиб, фақат 1937-1939 йиллари 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалгани, шундан 37 мингдан кўпроғи судлангани, 6 минг 920 киши отиб ташланганини қайд қилган эди [2]. Орадан саккиз йил ўтиб, 1999 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси Ислом Каримов “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарорда қатағон қилинганлар номларини абадийлаштириш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида кўп жилдли **“Қатағон қурбонлари”** хотира китобини тайёрлаш, нашр этиш ва бу ишга ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилди. Мазкур қарордан руҳланиб, илҳомланиб Ўзбекистон тарихи кафедрасида бир йилнинг ўзида иккита монографик тадқиқот [3.415] эълон қилинди. 2005-2009 йилларда 5 жилдлик “Қатағон қурбонлари” хотира китоби [4] чоп этилди. Биринчи китобда 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда, Украинада, Шимолий Кавказда, Москвада қатағон қилинган 408 нафар юртдошларимиз ҳақида маълумотлар келтирилган. Иккинчи китобдан отувга ҳукм этилган 664 нафар, 10 йил, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган 236 нафар қатағон қурбонларининг номлари ва улар ҳақидаги маълумотлар жой олган. Учинчи китобда 272 нафар отувга, 1156 нафар 10 йил, 115 нафар 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган жами 1543 нафар; тўртинчи китобда 392 нафар отувга, 2572 нафар 10 йил, 646 нафар 8 йил муддатга қамоққа ҳукм қилинган жами 3610 нафар (бундан ташқари тергов жараёнида вафот қилган 34 маҳбус); бешинчи китобда Ўзбекистоннинг ўзида отиб юборилган 2190 киши, 10-8-5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган 751 нафар ватандошлар номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган. Агар буларни жамласак, беш жилдлик китобда 1937-1938 йилларда қатағон қилинган 14589 қурбон ҳақида маълумот берилгани маълум бўлади.

Демак, 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда қатағон қилинганлардан бори-йўғи 15 минг кишигина аниқланган, холос. Қолганлари аниқ эмас эди. Уларни аниқлаш мақсадида 2011 йил 11-21сентябрь, ноябрь-декабрь ойларида Москвага 2 марта илмий сафар уюштирилди. Москва шаҳри Малая Каретная тор кўчаси 12-уйда жойлашган “Мемориал” халқаро тарихий, маърифий, хайрия ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамияти раиси Арсений Борисович Рогинский, ўринбосари Ян Збигневич Рочинский, “Мемориал” архиви мудираси Алёна Козловалар билан учрашиб, бу жойда мавжуд манба ва маълумотлар билан танишдик. Шулардан бири ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари ва учлик раиси Д.З.Апресяннинг 1938 йил 3 апрелда СССР ГУЛАГига йўллаган ҳисоботида биринчи категория бўйича 450 киши қатағон қилиниб отилгани (уларнинг 35 нафари жосус, 8 нафари қочиб ўтганлар, 2 нафари тараққийпарварлар, 3 нафари диверсантлар, 26 нафари террорчилар, 6 нафари сотқинлар, 217 нафари жиноятчи рецидивистлар, 153 нафари бошқа ҳар хил тоифадаги жиноятчилар) ; 58 та аксилинқилобий гуруҳ тугатилгани (шундан 7 киши троцкийчилар, 5 киши қўзғолончилар, 146 киши уюшган акси-

линқилобий фаоллар, 138 киши бандитлар) ҳақида хабар берилади. Жамият архивидан 1938 йил октябрда Тошкентда қатағон қилинган 496 нафар ўзбекистонликлар ҳақида маълумот олинди. Бу Ўзбекистон ССРда отувга ҳукм этилганларнинг исми ва фамилиялари, ҳукм чиқарилган сана, отилган кун кўрсатилган жадвалдир. Айни 1937-1938 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё лагеридаги маҳбуслардан 365 нафари учлик қарори билан отувга ҳукм қилингани тўғрисидаги маълумотга ҳам эга бўлдик.

Шундан сўнг Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати Марказий архивида бўлдик. Бу ерда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг сайёр сессияси раиси генерал Алексеевнинг 1938 йил 4 октябрдан 2 ноябргача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Д.З.Апресянга ёзган хатларини, отилганлар ҳақидаги далолатномаларни кўрдик, улардан кўчирмалар олдик.

Ана шу ҳужжатлар ҳақида фикр юритамиз. 1938 йил октябрида Москвадан Тошкентга келган СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг сайёр сессияси ўтказилади. Унинг таркиби ҳарбий адлия ходимлари – генераллар Алексеев ва Зайцев, полковниклар Болдирев ва Батнер, қизил армия Бош Ҳарбий прокурори ёрдамчиси Шульцланнлардан иборат эди. Сессиянинг биринчи куни 4 октябрда бўлиб ўтади, унда 52 нафар маҳбус олий жазо – отувга ҳукм этилади.

Сессия раиси Алексеев шу куниёқ ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссари, давлат хавфсизлиги майори Апресянга 00600 сонли мутлақо махфий хат йўллайди. Унда 1938 йил 4 октябрда олий жазо – отувга чиқарилган ҳукмни зудлик билан ижро этишни амалга ошириш тўғрисида фармойиш бериш талаб этилган, хатнинг остида отилиши керак бўлган 51 нафар маҳбус исми-шарифи келтирилган. Мазкур кўрсатма ўша 4 октябрдаёқ бажарилган бўлиб, у ҳақда тузилган далолатномада шундай дейилган: “Биз, қуйидаги имзо чекувчилар 1938 йил 4 октябрь куни ушбу далолатномани шу ҳақда туздикки, шу куни давлат хавфсизлиги катта лейтенанти ўрт. Шишкин, Ишчи-деҳқон қизил армияси Бош ҳарбий прокурори ёрдамчиси, I ранг ҳарбий юрист ўрт. Шульцанн иштирокида отувга ҳукм қилинган қуйида санаб ўтилган эллик икки (51) киши устидан ҳукм ижросини таъминладик.

Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин.*

Ишчи–деҳқон қизил армияси Бош ҳарбий прокурори ёрдамчиси, I ранг ҳарбий юрист Шульцанн”[5.531]

Ушбу рўйхатда қайд этилган мақтул юртдошларни номма-ном келтирамиз: 1. Тожиев Ҳамдам, 2. Усмонов Мўмин, 3. Сорокин Қосим Иброҳимович, 4. Болтабоев Содиқжон, 5. Ёқубов Ғулом, 6. Эрматов Муҳиддин, 7. Исломов Рустам Исломович, 8. Ризаев Ханиф Султонович, 9. Саидхонов Аббосхон Абдусаидович, 10. Расулов Али, 11. Тошмуҳаммедов Абдулла, 12. Болтабоев Карим, 13. Ражабов Шариф, 14. Абдуллаев Карим, 15. Мирзажонов Собир, 16. Қосимов Ғафур, 17. Икромов Карим, 18. Алихўжаев Шомансур, 19. Раҳимбоев Файзулла, 20. Шоабдурасулов Назир, 21. Ўлмасбоев Нуритдин, 22. Ҳасанов Муҳаммад Фантитахович, 23. Алиев Ислом Содиқович, 25. Турсунхўжаев Муҳитдин, 26. Қирғизов Турғунпўлат Исабоевич, 27. Аҳмадбеков Давронбек, 28. Одилий Муҳаммад, 29. Эшонхўжаев Усмонхон, 30. Ходиев Ғулом, 31. Зокиров Боқижон, 32. Мўминов Муҳаммад Иноғомович, 34. Хўжаев Мирхамид, 35. Каримов Ғаффор, 36. Ҳакимов Муллахўжа, 37. Раҳимов Воис Мусажон, 38. Охунов Холмуҳаммад, 39. Абдуллаев Хайрулла, 40. Абдусатторов Содиқ Шарипович, 41. Саттароф Ҳошим Оғалиқович, 42. Инағомжонов Илҳомжон, 43. Маҳмудхўжаев Нуриддин, 44. Турсунхўжаев Сайдулла, 45. Шарипов Камол, 46. Айзаров Аҳмадбек, 47. Хисметов Ҳикматилла, 48. Девонов Ёқуб Юсупович, 49. Берегин Қурбон Аллабергановић, 50. Абубакиров Карим Содиқович, 51. Файзиходи Зарифович жами 51 киши.

Ана шу тартибда 5 октябрда отувга ҳукм қилиниб, ўша куни 36 маҳбус қатл этилган. Улар мана бу юртдошлар эди: 1. Дадабоев Болтабой, 2. Исомуҳаммедов Иноят, 3. Муҳаммедов Восиқ Шукурович, 4. Юнусов Қудратулла, 5. Раҳим Иноғомов, 6. Шокиров Алим, 7. Шаликеров Назир, 8, Эшжонов Мадамин, 9. Девонов Худойберган, 10. Отажонов Бобожон, 11. Искандаров Даврон, 12. Инаятов Назрулла, 13. Аюпов Аъзам, 14. Фитрат Рауф Раҳимович, 15. Қодирий Абдулла (Жулқунбой), 16. Солиҳов Миёнбузрук, 17. Рамазонов Қаюм, 18. Юнусов Ғози Олим, 19. Сулаймонов Абдуҳамид Сулаймонович (Чўлпон), 20. Қориев Босит, 21. Худойбахтов Анқабой, 22. Раҳимий Шокиржон, 23. Гимадиев Зиё Гимадиевич, 24. Ҳошимов Отажон Ҳошимович, 25. Саидов Зиё, 26. Мусаев Шаҳид Эсон, 27. Ашрафий Ҳайдар, 28. Қодиров Мажид, 29. Ортиқов Исроил, 30. Шуригин Фёдор Васильевич, 31. Пехович Лазарь Матвеевич, 32. Тарасов Фёдор Петрович, 33. Иброҳимов Аҳмад, 34. Иноятов Хидоят, 35. Лебедев Дмитрий Алексеевич, 36. Икромов Исҳоқ.

Кўриб турганимиздек, 5 октябрда қатл этилганлар орасида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт вакиллари, зиёлилар бор эди.

* У ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги коменданти вазифасида бўлган.

Ҳарбий Коллегия якшанба куни дам олиш муносабати билан йиғилиш ўтказмаган. Эртаси, 7 октябр душанба кунида Ҳарбий Коллегия ўз йиғилишида 39 кишини отувга ҳукм қилади ва ҳукмни ижро этиш ҳақида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Д.З.Апресянга фармойиш берилади. Бу ишни бажариш Шишкин ва Шульцаннларга топширилади. Ҳукм ўша куни ижро этилиб, 39 маҳбус қатл этилади. Бу ҳақда далолатнома имзоланади. Қатл этилган юртдошлар мана булар эди: 1. Моор Александр Федорович, 2. Гуревич Натан Яковлевич, 3. Кожухов Александр Иванович, 4. Бобров Зиновий Михайлович, 5. Бисеров Муҳаммаджон Орифович, 6. Агол Шалам Иосифович, 7. Манжара Дмитрий Иванович, 8. Кац Моисей Исакович, 9. Кучабо Семён Лаврентьевич, 10. Цагикян-Чамичян Геворк Петрович, 11. Карташев-Степанянц Мартирос Артемьевич, 12. Исроилов Аслан Агажанович, 13. Бабаев Еремий Павлович, 14. Давидян Арменак Осипович, 15. Сукин Александр Тимофеевич, 16. Чернов Владимир Георгиевич, 17. Новокрешенов Александр Степанович, 18. Зелькина Евгения Львовна, 19. Данчик Илья Исакович, 20. Невский Павел Александрович, 21. Косинский Станислав Генрихович, 22. Поляков Константин Николаевич, 23. Мирзоян Коро Михайлович, 24. Арне-Нерсесян Арам Богданович, 25. Ованесян Коро Григорьевич, 26. Ахматов Борис Викторович, 27. Добринин Александр Александрович, 28. Петров Владимир Федорович, 29. Морозов Борис Евгеньевич, 30. Некрашевич Владимир Михайлович, 31. Логинов Юрий Николаевич, 32. Чемякин Григорий Дмитревич, 33. Машковцев Алексей Федорович, 34. Яроцкий Василий Яковлевич, 35. Леонов Иван Моисееввич, 36. Авербург Лев Александрович, 37. Косинский Станислав Генрихович, 38. Гарин Василий Васильевич, 39. Солнцев Глеб Дмитриевич.

Харбий Коллегиянинг ҳукми билан 1938 йил 8 октябрида отилганлар 40 киши бўлиб, улар қаторида, қуйдагилар бўлган: Айдарбек Абдужабборов, Комилжон Алимов, Исам Гамитович Аляутдинов, Исломбек Арслонбеков, Нормат Исролов, Темурбек Казбеков, Узоқбой Мамаюсупов, Мирзакарим Мирзараҳматов, Сулаймонқул Мирсаидов, Расул Носиров, Маликжон Ниёзов, Санжар Сиддиқов, Фаттоҳ Турсунов, Жўра Тўрабеков, Жума Ҳусанбоев, Зиё Агаев, Маш-раб Охунбеков, Борис Иванович Бессонов, Ҳаким Каримов, Евгений Михайлович Лавров, Абдусамад Ниёзов, Евгений Павлович Плетнев, Михаил Михайлович Родионов, Владимир Федорович Шульман ва бошқалар.

9 октябрда отилганлар 42 киши бўлган. Улар Карим Зарифов, Авазжон Раҳмонжонов, Олимжон Садриддинович Қодирий, Хайринисо Мажидий, Муҳаммад Инағомович Мўминов, Омонулла Нусратуллаев, Баховуддин Иминжонов, Исой Илёсович Абдураҳмонов, Давид Рувимович Билик, Ҳусайн Расулевич Гусеинов, Ҳаким Қосимов эди. 10 октябрда 33 маҳбус, 11 октябрда 26 маҳбус, 13 октябрда 42 маҳбус, 14 октябрда 36 маҳбус, 15 октябрда эса 25 маҳбус отилган.

Ҳарбий Коллегиянинг Тошкентда бўлиб ўтган ўша сайёр сессиясида ўзбекистонликлардан 70 маҳбус 10-15 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Улар қаторида республиканинг бир қатор машҳур кишилари бўлган, жумладан: Усмон Носир – оташин шоир, Москвада 1934 йил 17 август – 1 сентябрда собиқ Иттифоқ ёзувчиларининг биринчи съезди қатнашчиси; Машриқ Юнусов (Элбек) – шоир, тилшунос ва фолькоршунос, Тожихон Шодиева – таниқли жамоат арбоби, Раҳима Исломова – таниқли давлат ва ҳукумат арбоби Акбар Исломовнинг турмуш ўртоғи, Марям Султонмуродова – Германияда ўқиб келган дастлабки ўзбек аёл зиёлиларидан, Бахшулла Хўжаев – таниқли маърифатчи, жадидчи, сиёсий арбоб Убайдулла Хўжа Асадуллахўжаевнинг туғишган укаси ва бошқалар.

Ҳарбий Коллегия сессиясида 15 нафар маҳбуснинг иши юзасида қайтадан тергов ўтказишга қарор қилинади. Шунингдек, баённомада Ғани Исҳоқов, Сайфулғабит Мажидов, Каримохун Мамасодиқов, Ахмет Камолитдинович Сейфулмулюков, Мунобар Хайдаралиев, Ғанихон Хамидхонов, Владимир Самойлович Юрченколар тергов пайтида вафот этгани қайд этилган.

Абдуллажон Каримов, Рамзи Маннон Абдуллаевич, Абдулҳай Тожиев, Арон Абрамовия Цехер, Мирмуслим Шермуҳаммедовларнинг ишини I категория, яъни отиладиганлар категорияси бўйича Москвада кўриб чиқишгани қайд этилган. Бошқа манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу бешала маҳбус ишини 1938 йил 17 августда СССР бош прокурори А.Вишинский кўриб чиқиб, хулосалаб, судга оширишга рухсат беради. Бу ишни 1938 йил 19 августда бўлиб ўтган СССР Олий Суди Ҳарбий ҳайъати кўриб чиқади. Ҳайъатга дивизия ҳарбий юристи Зарьянов раислик қилади. Бригада ҳарбий юристлари Романцев ва Детистовлар маслаҳатчи, котибликни 1-ранг ҳарбий юристи Кудрявцев ўз зиммасига олади. Мазкур ҳарбий ҳуқуқшунослар Тошкентдаги ҳамкасблари тайёрлаган айблов хулосасини шунчаки қайд этишдан нарига ўтмаганлар. Бу беш нафар ўзбекистонликнинг судда сўроқ қилингани ҳам шубҳалидир. Суд ишларига чет кишилар таклиф қилинмаган. Ҳайъат аъзолари ана шу беш

маҳбусга олий жазо тайинлайди. 1938 йил 19 августда Москва шаҳрида ҳукм ижро этилади [6.121-212].

Сайёр ҳайъат Юнусжон Сатторов ишини Фарғона вилоят судида кўриб чиқишга, маҳбус Василий Ефимович Васильев ишини эса Москвага юборишга қарор қилади.

Петр Иванович Почанин, Ҳожимат Худойбердиевлар иши оператив мулоҳазалардан келиб чиқиб кўриб чиқишдан олиб ташланади. Баённомада Избосар Фозилов, Назирқул Ҳасановларнинг бетоблиги қайд этилган.

Шунингдек, сайёр ҳайъат йиғилиши баённомасидан олинган кўчирмада Тошкент темир йўл ходимларидан 35 кишини олий жазога ҳукм этилгани акс эттирилган.

Сайёр ҳайъатнинг йиғилиши 1938 йил 2 ноябрда ҳам ўтказилгани, унда юқорида касаллиги қайд этилган Назирқул Ҳусановнинг отувга ҳукм қилингани, бу ҳақдаги маълумотлар Алексеевнинг Д.З.Апресянга йўллаган хати ва 2 ноябрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги коменданти, далат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин, бош ҳарбий прокурор ёрдамчиси 1-ранг ҳарбий юристи Шульцанн томонидан Тошкент шаҳрида тузилган далолатномада келтирилган.[7.540-545-555]

507 нафар қатағон қилинганлар номма-ном аниқланган бўлса-да, уларнинг кимлиги, қайси сохта айбловлар билан жазога тортилгани, уларга нисбатан жиноят кодексининг қайси моддалари қўйилгани, ҳибсга олинганда тўлдирилган маҳбус анкеталари, тергов материаллари, айблов хулосалари маҳбуслар таржимаи ҳолларини Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати архивидан топа олмадик. Қидирув, суриштириш ишлари орқали ҳозирда Москва шаҳрининг Поварская кўчасидаги 15-уйда жойлашган Россия Федерацияси Олий суди архивида 1938 йил октябрида Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий Коллегияси баённомалари, маҳбусларнинг жиноий ишлари сақланаётганлиги, шунингдек, мазкур масалага оид айрим ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида сақланаётгани аниқланди. Бу ҳужжат ва материалларни синчковлик билан ўрганиш, мушоҳада қилиш, таҳлил этиш орқалигина ана шу 507 нафар юртдошларимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни англаб етиш, совет режимининг қатағон сиёсати моҳиятини, механизмини, унинг фожиали оқибатларини яна бир карра ҳис этиш ва фош қилиш мумкин. Бу эса яқин келажакдаги юмушларимиздан биридир.

Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.- Т.: Ўзбекистон, 2011.

2. Ўзбекистон овози.- 1991.- 15 сентябрь.

3. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари.- Т.: Шарқ, 2001.- 367 бет; шу муаллиф. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Т.: Шарқ, 2001.- 415 бет.

4. Шамсутдинов Р.Т, Каримов Н.Ф, Юсупов Э.Ю. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск-1. – Т.: Шарк, 2005. – 262 с; Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август - 5 ноябр). 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2007. – 496 б; Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э., Мамажонов А., Дўсматов Э. Репрессия. 1937-1938 гг. Документы и материалы. Вып..3. Жертвы Болъшого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. – Т.: Шарқ, 2007; Репрессия: Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дусматов Э.П., Курбанов Х.Р. – Т.: Шарк, 2008. Вып.4, Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. - 572 с; Қатағон қурбонлари.(1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. Тузувчилар: Р.Т.Шамсутдинов, Х.Р.Қурбонов, Ж.Расулов, Ф,Эгамбердиев, У.Бекимбетов. Т.: Шарқ, 2009.- 412 б.

5. Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати Марказий архиви (РФФХХМА). 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531-бет

6. РФФХХМА, 7-фонд 1-рўйхат, 10-иш 540-545-555 варақлар

Андижон давлат университети,
2011 йил 26 декабрда қабул қилинган